Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 18 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 96 (6793)

Даъват

Вафога вафодир
Кишилик ҳаққи.
Вафо қил, одил бўл,
Ном ол мангулик.

Юсуф Хос Ҳожиб.

Ибрат

Яқинда Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитасининг раиси У. Муҳамедова ногирон болалар тарбияланадиган 21-меҳрибонлик уйига хорижда ишлаб чиқарилган сув тозалаш мосламаларини топширди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ»НИ ТАЙЁРЛАШ ВА НАШР ЭТИШ» ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш» тўғрисидаги Фармойишига мувофиқ ҳамда халқимизнинг янги тарихини ўрганиш ва ёзиш, мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатишни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республикамиз кенг жамоатчилиги, таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобларини яратиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин. Уни амалга ошириш ижтимоий-илмий кенгаш зиммасига юклансин. Кенгаш аъзоларини таркиби тасдиқлансин. Кенгаш ишига юртимиз тарихига мутасадди кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилсин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида ташкил этилган марказ кенгашнинг ишчи гуруҳи сифатида қабул қилинсин.

2. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлашда XIX асрнинг ўрталаридан ҳозирги кунгача халқимиз ҳаётида содир бўлган тарихий босқичларни ва ўзгаришларни тўла қамраб олишга эътибор берилсин.

3. Мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг уч қисмдан иборат. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрловчи ва таҳлилдан ўтказувчи муаллифлар, экспертлар гуруҳлари ҳамда етакчи ташкилотлар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

4. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни ёзишда қуйидаги асосий йўналишлар эътиборга олинсин:

—халқимиз ўтмишидаги миллат тақдири билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни чуқур илмий тадқиқ этиш ва холисона ёритиш;

— Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзишда тарих босқичлари ва ижтимоий-сиёсий тараққиёти узлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш, тарихийлик ва ворисийлик тамойилларига амал қилиш;

— Ўзбекистон халқининг буюк тарихий меросга эга эканлиги ва умумбашарият қадриятларига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этган ҳолда узига хос давлат қурилиши анъаналари ва уларга нисбатан фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги мавжудлигини ҳисобга олиш;

— «Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг ҳар бир қисм ва бўлимларини ёзишда бирёқлама, субъктив ёндашувларга йўл қўймасдан ягона холисона тадқиқот услубига амал қилиш;

— Ўзбекистон тарихига оид воқеа-ҳодисаларни ёритишда унинг қўҳна Туронзамин, Туркистон тариҳининг таркибий қисми бўлганлигини ёдда сақлаш;

— Узбекистон тарихи дунёнинг турли минтақаларида содир бўлган ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар ҳамда жаҳон тараққиёти жараёнлари билан узвий боғлиқ эканлигини ва уларнинг бир-бирига узаро таъсирини ҳисобга олиш;

— тадқиқот яратишда эски коммунистик-большевистик мафкура ақидаларига ва ўтмишни сохталаштиришга йўл қўймаслик, тарихий жараёнларни холисона баҳолаш;

—ёшларни миллий истиқлол ғоялари, ватанпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялашда тарихий воқеа-ҳодисаларнинг аҳамиятини эътиборга олиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказининг буюртмаларига асосан «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобларини ҳамда шунга оид бошқа ўқув-услубий ва илмий асарларни уз вақтида чоп этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви ва Ўзбошархив «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлашда иштирок этувчи ходимлар учун зарурий тарихий ҳужжатлардан фойдаланишга имконият яратсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлашда хорижий мамлакатлардаги тарихий манбалардан фойдаланиш учун зарур бўлган сарф-харажатларга марказнинг буюртмасига мувофиқ тегишли маблағ ажратсин.

Марказий банк уни эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тақдим этадиган ҳисоб-китобларга асосан 1997-1998 йилларда қўшимча маблағ ажратишни назарда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 декабрь.

Муносабат

Бугун жамиятдаги аҳвол чуқур таҳлил қилинаяпти. Таҳлиллар барча жабҳаларни қамраб олаяпти. Таҳлилларда бугунги Ўзбекистоннинг келажаги учун қайғуриш дарди бор. «Қандай қилиб» деган савол сўзи билан бошланадиган сўровларга жавоб бор. Уларнинг барчаси бориб маънавиятнинг кемтиклигига — эски тузумдан сарқит бўлиб келаётган иллат ҳосил қилаётган кемтикликка тақалаяпти. У хоҳ иқтисодий иллат бўлсин, хоҳ сиёсий ва ё ижтимоий бўлсин.

Жиззах ва Сирдарёдаги юртбошимиз томонидан сўзланган нутқда муаммонинг бир жиҳати очилган бўлса, Наманганда бошқа бир ўзига хос жиҳати очилди. Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Бухоро вилояти сессиясида эса бошқа бир зарур жиҳатлари таҳлил этилди. Нутқда ёдда қоларли кўп гаплар бўлди, жумладан олий ва ўрта махсус таълим ва халқ таълимида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, кўпчилик таълим муассасаларида жамиятимизнинг янгиланишига бўлган бефарқликлар очиб ташланди. Бу борада юртбошимиз шундай деди:

«Бухоронинг халқимиз, миллатимиз маънавиятида тутган ўрни ҳақида гапиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу қадим ва буюк маскан юксак маданият ва маънавият маркази бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи керак.

Биз ўтмишимизни муносиб қадрлаган, улуғ аждодларимиз қадру қимматини ўз ўрнига қўйган ва келажагимизни аниқ кўра олган, тинимсиз ҳалол меҳнат қилган ҳолда, тараққиёт, истиқбол сари юришимиз мумкин.

Инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ, унинг маънавий ва маърифий даражасини белгилайдиган омиллар ҳисобга олинмас экан, ислоҳотлар асло самара бермайди.

ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ – МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ ЎЧОҒИ

Халқ депутатлари Бухоро вилояти сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов болалар таълим тарбияси хусусида гапирар экан айнан шу ғояни илгари сурди

Бухоро вилоятида бугунги кунда бир университет, икки институт, 14 та ўрта махсус билим юрти мавжуд. Уларда 10 мингга яқин йигит-қиз таълим олмоқда. Халқаро юксак талабларга мос келадиган, ҳар томонлама билимли, меҳнатга ижодий ёндашадиган кадрларни тайёрлаш учун барча имкониятлар бор. Лекин бундай имкониятлардан тўла фойдаланиш, ўқув масканларини ҳақиқий маънавий тарғибот ўчоғи — марказига айлантириш раҳбарларнинг хаёлига ҳам келмайди.

Талабалар ўртасида сўров ўтказилганда айрим профессор-ўқитувчиларнинг таъмагирликлари, уларнинг педагогик ва илмий савияси пастлиги маълум бўлди.

Бундай вазият ҳар томонлама баркамол авлодни ўстириш мақсадида қилаётган эзгу ишларимизга қандай путур етказишини ким тушунади?

Вилоятда мавжуд умумтаълим мактабларининг 32 фоизидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган, 55 та мактаб авария ҳолатида. Янги, замонавий мактаблар қуриш кескин камайган.

Мактабларнинг асосий қисми газлаштирилмаган, ичимлик суви билан таъминланмаган, баъзи мактабларда спорт заллари нари турсин, ҳатто спорт майдончалари ташкил этилмаган. Мактаб ошхоналари ночор аҳволда.

Айрим мактаблардаги кутубхоналар, кўргазмали ташвиқот воситалари эски замонни эслатиб турибди. Бу бевосита бизнинг миллий истиқлол мафкурамизга зид бўлиб, фарзандларимиз дунёқарашининг шаклланишига катта зарар етказмоқда.

Жондор туманидаги 3-мактаб деворида ҳозиргача Михаил Калининнинг «Рус тили — буюк Ленин тили» деган гаплари шиор қилиб осиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин?

Шу тумандаги 4-мактаб кутубхонасида Ленин ҳақидаги китоблар авайлаб-асраб сақланаётгани ҳолда, Ўзбекистоннинг янги ҳаёти ҳақидаги, бугунги замон ва истиқболимизга тегишли адабиётлар умуман йўқ. Айрим бинолар пештоқида «Октябрга шон-шарафлар!» деган шиорлар ҳамон ярқираб турибди!

Шу дунёқараш билан, шундай тафаккур тарзи билан биз узоққа бора оламизми? Зиё масканида, илм ва маърифат ўчоғида ҳаёт шу тарзда бўлса, бошқа жойларни қандай тасаввур қилиш мумкин?

Ўқитувчи кадрларга муносабат яхши эмас. Жорий йилнинг шу давригача 220 нафар ўқитувчининг шахсий уй-жой қуриш ҳақидаги аризаси қондирилмаган.

Азиз дўстлар!

Мактабларнинг ҳолати, халқ таълими тизими-

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 29 июлдаги 296-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

касб-ҳунар мактаби тўғрисидаги низом, 1-иловага мувофиқ;

касб-ҳунар лицейи тўғрисидаги низом, 2-иловага мувофиқ;

бизнес-мактаб тўғрисидаги низом, 3-иловага мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ўзига қарашли ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар:

икки ой муддатда таълим тўғрисидаги идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар;

1996-97 ўқув йилида тасдиқланган низомларни рўёбга чиқаришга доир зарур ташкилий тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Таълим ва фан бўлимига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 11 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори билан «Касб-ҳунар мактаби тўғрисида»ги, «Касб-ҳунар лицейи тўғрисида»ги, «Бизнес-мактаб тўғрисида»ги, Низомлар тасдиқланди. 2— 3-бетларга қаранг.

ЎЗ ЎЛКАНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Жиззах вилояти ўлкашунослик бўлимининг «Зомин тарихи» бўлимида «Ўз ўлкангни биласанми?» мавзуида халқ амалий санъати намуналарини йиғиш ва намойиш этиш бўйича курик-танлов ўтказилди. Танловда тумандаги маҳаллалар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва ўқув муассасалари иштирок этдилар. 100 га яқин миллий кўғирчоқлар, 20 дан ортиқ тасвирий санъат асарлари ва 30 дан ортиқ зардўзлик ҳамда каштачилик санъатига оид ашёлар йиғилди. Кўрик-танлов ҳомийси Зомин тумани ҳокимлиги бўлиб, танлов 1997 йилнинг биринчи чорагида якунланади ва танловда ғолиб чиққан жамоа вилоят ўлкашунослик музейининг Халқаро музейлар кунига бағишланган байрам тантанасида иштирок этиш ҳуқуқига ва катта совринни қўлга киритишга муваффақ бўладилар.

Шухрат АННАЕВ.

Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги

КЎНГИЛЛИЛАР ҚАСАМЁДИ

Маълумингизким, АҚШнинг тинчлик корпуси кўнгиллилари бир неча йилдан буён Ўзбекистон ёшларига инглиз тилини ўргатиб келишмоқда. Яқинда Гулистон шаҳрида 36 кишидан иборат янги кўнгиллилар гуруҳининг қасамёд маросими бўлиб ўтди. Энди улар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига бўлиниб кетишади. Қасамёд маросимигача, уларнинг барчаси уч ой давомида Гулистондаги оилаларда бўлиб, маҳаллий урф-одат, маданият билан танишдилар. Баҳоли қудрат ўзбек тилини ўргандилар. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, бунга иқрор бўлдик.

Габриэла ЖОЗЕФСОН. АҚШнинг Флорида штатидан. Анчагина ўзбекча сўзларни ёд олибди, айрим содда гапларни туза олади.

— Мен ўзимнинг уч ой вақтимни Қурбон Каримов

(Давоми 3-бетда).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан республика молия вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Самойдин Қосимович Ҳусейнов Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

● Токио шаҳрида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг япон тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси ташрифи доирасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Япония Экспорт-импорт банки ўртасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуришни маблағ билан таъминлаш учун 9 миллиард 715 миллион Япония иени (85 миллион 519 минг АҚШ доллари) миқдорида кредитга доир битим имзоланди.

● Россия Давлат Думаси келгуси йилга мўлжалланган бюджет лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади. Айни пайтда билдирилган таклиф мулоҳазалар билан бюджет лойиҳаси 25 декабрда яна бир бор кўздан кечирилиши мумкин.

● Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг мухолифчи кучлар бошлиғи Саид Абдулло Нурий билан Афғонистондаги учрашувидан сўнг Тожикистонда вазият бирмунча юмшаб, мамлакат шарқидаги маҳаллий ҳокимиятларни тиклашга киришилди.

● Жаҳон ҳамжамияти Ироқни Кувайтга бостириб кирганлиги учун иқтисодий жазо сифатида ўз нефтини халқаро миқёсда сотишдан маҳрум этганди. Мутахассисларнинг фикрича, олти йилдан сўнг Ироқнинг нефть экспорт қилувчи давлатлар сафига қўшилиши бу ёнилғининг жаҳон бозоридаги нархига таъсир этмас экан.

● Соатига уч минг гўдак дунёга келаётган Ҳиндистон аҳолиси аср охиригача бир миллиардга етиши, чорак аср ўтмасданоқ эса яна ярим миллиардга кўпайиши кутилмоқда. Мамлакатда ҳозир аҳоли ўсиши билан иқтисодий ривожланишнинг номутаносиблиги асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Обуна — 97

191 МИНГ СЎМГА

Хўжайли педагогика билим юрти жамоасида 1997 йил учун газета-журналларга обуна бўлиш давом этяпти. Мазкур билим юрти директори Аяп Халилаев ҳамда унинг маърифат ва маънавият ишлари бўйича ўринбосари Ойша Саъдуллаевалар обуна натижаларидан мамнун. Жумладан, «Маърифат» газетасига 132 талаба, 46 ўқитувчи обуна бўлишди. «Бошланғич таълим» журналига 62 та, «Халқ таълими» журналига 30 та, «Қорақалпоғистон жаслари» газетасига 129 та обуна квитанцияси тўлдирилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Спорт», «Еркин Қорақалпоғистон», «Хўжайли ҳақиқати», «Учитель Узбекистана» каби нашрларга ҳам обуна бўлган ўқитувчи ва талабалар талайгинадир.

Умуман, Хўжайли педагогика билим юртининг ўқитувчилар ва талабалар жамоаси гезета-журналларга жами 191 минг 250 сўмлик обуна бўлишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

«ГЎЗАЛ»МАССИВИДАГИ ГЎЗАЛ УЧРАШУВ

Наманган шаҳар «Гўзал» массивидаги 3-маданият уйида 13-мактаб жамоаси ҳамда «Ишчи» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳамкорлигида «Маданият ва маърифат» мавзуида учрашув бўлди. Унда вилоят ёзувчилар уюшмасидан Д. Ҳайдарова, Р. Гозиева, Д. Эргашева, Наманган телерадиосидан Т. Раҳимова, «Ишчи» маҳалла қўмитаси раис котибаси О. Раҳимовалар қатнашдилар. Учрашувда маданият ва маърифат соҳасида қилинган ишлар, келгуси йил иш режалари ҳақида маданият уйи директори Н. Иззатиллаев сўзлаб берди. Кеча давомида маданият уйи қошидаги «Қалдирғоч» ашула-рақс дастаси учрашув қатнашчиларига ўз концерт дастурларини намойиш этдилар.

BOLALAR UCHUN

Jizzax viloyati qo'g'irchoq teatri jamoasi o'z spektakllari bilan 2 guruhga bo'linib, viloyatning Baxmal va Jizzax tumanlarida bo'lib, u yerda yosh bolajonlarga atalgan spektakllarini namoyish etdilar. Aktyorlardan Jahongir MUXTOROV, Ziyoda ZIYAMOVA, Zamira MAMARAHIMOVA, Jamol MAMARAHIMOVlarning chiqishlarini tomoshabinlar katta qiziqish bilan kutib oldilar.

БУХОРО ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан 1997 йилнинг ёзида Парижда бўладиган Бухоро, Хива кунлари олдидан тўйга тайёргарлик ишлари билан танишиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари, таниқли олимлар иштирокида БухДУда учрашув бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бухоронинг илму-санъати, ҳунармандчилик тарихи, ҳозирги равнақи мавзуларида мушоҳадали маърузалар тингланди.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

КИТОБЛАР САЙЛИ

Урганч шаҳридаги Қурбон ота Исмоилов номидаги вилоят кутубхонасида «Маънавиятсиз келажак йўқ» мавзуида китоб кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирда Комилжон Отаниёзов номидаги 1-Урганч мусиқа санъат мактаби, олий ва махсус билим юрти талабалар ҳамда бир гуруҳ вилоят фахрийлари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар. Бугунги кун талабига мос тушадиган бу тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Муаллифлар: С. ЖЎРАЕВА, В. ISOQOVA, Д. ЖАББОР, М. КАРИМОВА.

УЧ НИЗОМГА УЧ ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим ва фан бўлимининг катта эксперти, фалсафа фанлари номзоди М. Қ. Исомовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган «Касб-ҳунар мактаби тўғрисида», «Касб-ҳунар лицейи тўғрисида» ва «Бизнес-мактаб тўғрисида»ги низомларга шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 11 декабрь куни «Таълим тўғрисидаги» қонунга мувофиқ навбатдаги норматив ҳужжатларни тасдиқлади.

Ушбу низомлар ҳунар таълимини ислоҳ қилишнинг янги босқичини амалга оширишга имконият яратади.

I. «Касб-ҳунар мактаби тўғрисида низом»га шарҳ

Касб-ҳунар мактаби ёшларга касб-ҳунар таълими беришни амалга оширувчи ўқув юрти ҳисобланади. У ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун, мазкур Низом ҳамда таълим органларида рўйхатга олинган Уставга мувофиқ амалга оширади. Касб-ҳунар мактабида ўқиш муддати 1, 2, 3 йил қилиб белгиланиб, бу мактабларга базавий ва ўрта мактабларнинг битирувчилари қабул қилинадилар. Касб-ҳунар мактабини аттестация қилиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан ва Халқ таълими вазирлигининг тегишли норматив ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Касб-ҳунар мактаби юридик шахс ҳисобланади. У банк муассасаларида ҳисоб-китоб ҳамда бошқа счётларга, Давлат герби тасвирланган ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Касб-ҳунар мактабининг асосий мақсади бўлажак ёш ишчи ва мутахассисларни (шу жумладан шартнома асосида) касб-ҳунарга тайёрлашнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдир. Унинг асосий вазифалари ўқувчиларда касб-ҳунар билимлари, уқувлари ва кўникмаларини шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитларида ўқувчиларни фаол меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ўғил-қизларга касб-ҳунар таълими бериш билан бир қаторда умумий ўрта таълим олиш учун имкониятлар яратиш, корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларини қондиришдир.

Бу ўқув муассасаларида ўқувчиларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Давлат касблари классификатори асосида амалга оширилади. Ўқув-тарбия жараёни давлат таълим стандартларига мувофиқ йўлга қўйилади. Ўқитиш усуллари ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан белгиланади.

Касб-ҳунар мактабларига ўқувчилар қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган қабул қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур таълим муассасаси ўқувчилари мактаб жамоасининг аъзолари ҳисобланадилар. Ўқувчиларнинг қонунчилик билан белгиланган ўқиш, меҳнат қилиш ва дам олиш шартларига риоя қилинишига таълим муассасасининг раҳбарияти жавоб беради.

Касб-ҳунар мактабларига тегишли маълумот, касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган шахслар педагог ходимлар сифатида ишлашга қўйиладилар.

Касб-ҳунар мактабини бошқариш мазкур Низом ва Мактаб уставига мувофиқ амалга оширилади. Касб-ҳунар мактабининг бутун фаолиятини бевосита бошқаришни унинг директори амалга оширади.

Бу турдаги таълим муассасаси молиявий фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, бунга қўшимча бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари ҳам бўлиши мумкин.

Касб-ҳунар мактаби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

II. «Касб-ҳунар лицейи тўғрисида низом»га шарҳ

Касб-ҳунар лицейи малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминловчи узлуксиз таълим тизимидаги интеграциялашган турдаги ўқув муассасаси ҳисобланади. У ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Таълим тўғрисида»ги қонунга, мазкур Низомга ва таълим органларида рўйхатдан ўтказилган Уставга мувофиқ амалга оширади.

Бу турдаги лицейларда ўқитиш икки босқичда олиб борилади, 1-босқичда ўқувчилар ўрта маълумот оладилар ва ишчи касбини эгаллайдилар. 1-босқичга ўқувчилар қабули базавий мактабларни битирувчилари ҳисобидан танлов асосида амалга оширилади. 2-босқичда ўқувчилар 1-босқичдаги касб тайёргарлиги ёки касб бўйича оширилган ишчи малакаси ихтисосига кўра ўрта бўғин мутахассиси малакасини эгаллайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг аттестациясидан ўтган ва аккредитация қилинган ҳамда мақомига кўра ўрта махсус ўқув муассасаларига тенглаштирилган касб-ҳунар лицейларига белгиланган тартибда иккинчи босқич бўйича ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ҳуқуқи берилади.

Касб-ҳунар лицейларининг иккинчи босқичига қабул биринчи босқич битирувчилари ҳисобидан белгиланган тартибда тест синовлари асосида амалга оширилади.

Касб-ҳунар лицейи юридик шахс ҳисобланади. У банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа счетларга эга бўлади.

Бу турдаги лицейнинг асосий мақсади ёшларда техника, технологиялар доимо янгиланиб, меҳнатни ташкил этиш такомиллашиб бораётган шароитларда тезда мослашишга, бозор муносабатлари шароитида ҳаёт фаолиятига тайёр туришга кўмак берувчи касбий ўқув ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Бу ўқув муассасасининг асосий вазифалари касб-ҳунар лицейидаги ўқитишнинг ҳар бир босқичи тугал бўлиши ҳисобига ўқувчиларнинг қобилиятларига мувофиқ турли даражаларда касбий ва умумий таълим олиш учун уларга имкониятлар яратиш, давлат таълим стандартларига мувофиқ ҳар хил ихтисосликдаги ишчилар ва мутахассисларни тайёрлашдир.

Касб-ҳунар лицейларида ўқувчиларни тайёрлаш мутахассислар ва касбларнинг амалдаги рўйхатига кўра ишчилар ва мутахассислар касблари бўйича амалга оширилиб, ўқувчиларни ўқитиш белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ олиб борилади.

Мазкур турдаги лицейнинг ўқувчилари ўқув-меҳнат жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзолари ҳисобланадилар, лицейнинг Уставида ва мазкур Низомда назарда тутилган ўқув, тарбия ва ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этадилар.

Касб-ҳунар лицейларига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ унинг директори томонидан амалга оширилади.

Таълим муассасасини бошқариш мазкур Низом ва лицей Уставига мувофиқ амалга оширилади. Касб-ҳунар лицейининг бутун фаолиятига бевосита раҳбарликни унинг директори амалга оширади.

Касб-ҳунар лицейларининг молиявий фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, бунга қўшимча бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари ҳам бўлиши мумкин.

Касб-ҳунар лицейлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

III. «Бизнес-мактаб тўғрисида низом»га шарҳ

Бизнес-мактаблари Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-сонли қарорига асосан ташкил қилинди.

Бизнес-мактабда кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг менежмент, маркетинг, хўжалик ҳуқуқи, молияни бошқариш, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит асосларини, амалий тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган билимлар ва кўникмаларни етарли ҳажмларда эгаллаган ташкилотчилар тайёрланади. У ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Таълим тўғрисида»ги қонунга, мазкур Низомга ва таълим органларида рўйхатдан ўтказилган уставга мувофиқ амалга оширади.

Бизнес-мактаб юридик шахс ҳисобланади. У мустақил балансга, банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларга эга бўлади.

Бу турдаги мактабнинг асосий мақсади кичик ва ўрта бизнес соҳасида ёшларда фаол тадбиркорлик фаолияти уқуви ва кўникмаларини шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитларида бизнес билан шуғулланиш учун зарур бўлган касблар ва мутахассисликларга эга бўлиш имкониятларини таъминлаш асосида ёшларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши функциясини амалга оширишдир.

Бизнес-мактабнинг асосий вазифалари давлат таълими стандартларига мувофиқ кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш ва олиб бориш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш, фермер хўжаликлари, фирмалар, компаниялар, корхоналар, муассасаларга ва алоҳида тадбиркорларга бизнесни ташкил этиш юзасидан маслаҳат хизматлари кўрсатиш, минтақада тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун бизнес-лабораториялар, инкубаторлар ва шунга ўхшаш муассасаларни ташкил этиш, тадбиркорлик соҳасида банд бўлган амалиётчи ходимлар учун тайёрлов, қайта тайёрлов ва малака ошириш курслари ташкил этишдан иборат.

Мазкур мактабда ўқитиш ишлари белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурларига, ўқувчилар қабули эса унинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

Бизнес-мактабга ўқитувчи сифатида ишлашга тегишли касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган шахслар қабул қилинадилар.

Бу таълим муассасасининг педагогика ишларига жалб қилинадиган олий ўқув юртлари ўқитувчиларига олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун назарда тутилган иш ҳақи ставкалари сақлаб қолинади.

Бизнес-мактабни бошқариш яккабошчилик ва коллегиаллик асосларида амалга оширилади. Бизнес-мактабнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилишни унинг директори амалга оширади.

Бизнес-мактабнинг молиявий фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, бунга қўшимча бюджет маблағларидан ташқари маблағлар тушумлари ҳам бўлиши мумкин.

Бу ўқув муассасалари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади.

— 1 —

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-сон қарорига 1-ИЛОВА

КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Касб-ҳунар мактаби ёшларга касб-ҳунар таълими беришни амалга оширувчи ўқув юрти ҳисобланади.

2. Касб-ҳунар мактаби ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун, мазкур Низом ҳамда таълим органларида рўйхатга олинган Уставга мувофиқ амалга оширади.

3. Касб-ҳунар мактабига ўқув-услубий раҳбарликни, унинг кимга бўйсунишидан қатъи назар, халқ таълими органлари амалга оширадилар.

4. Касб-ҳунар мактаби базавий мактабларнинг битирувчилари (9-синфлар), шунингдек, ўрта мактабларнинг битирувчилари ҳисобидан бутланади. Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

5. Касб-ҳунар мактабини аттестация қилиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан ва Халқ таълими вазирлигининг тегишли норматив ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Касб-ҳунар мактаби юридик шахс ҳисобланади, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ҳамда бошқа счётларга, Давлат герби тасвирланган ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Касб-ҳунар мактабларининг мақсад ва вазифалари

1. Бўлажак ёш ишчи ва мутахассисларни, (шу жумладан шартнома асосида) касб-ҳунарга тайёрлашнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш касб-ҳунар мактаби фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

— 2 —

2. Касб-ҳунар мактабининг вазифалари:

— ўқувчиларда касб-ҳунар билимлари, уқувлари ва кўникмаларини шакллантириш;

— бозор иқтисодиёти шароитларида ўқувчиларни фаол меҳнат фаолиятига тайёрлаш;

— ўқувчиларга касб-ҳунар таълими бериш билан бир қаторда умумий ўрта таълим олиш учун имкониятлар яратиш;

— корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларини қондириш.

III. Ўқув-тарбия жараёни

1. Касб-ҳунар мактабида ўқувчиларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш давлат касблари классификатори асосида амалга оширилади.

2. Ишлаб чиқариш таълими ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида, лабораторияларда, полигонларда, касб-ҳунар мактабининг ўқув хўжаликларида, шунингдек, тузилган шартномаларга кўра корхоналарда амалга оширилади.

3. Касб-ҳунар мактабларида ўқув-тарбия жараёни давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Ўқитиш усуллари ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан белгиланади.

IV. Касб-ҳунар мактабининг ўқувчилари

1. Касб-ҳунар мактабларига ўқувчилар қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган қабул қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш таълими ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти даврида бажарилган ишларга тегишли малака даражасидаги ишчиларнинг ойлик маошларига белгиланган коэффициентлар, қўшимча тўловлар ва устамалар ҳисобга олинган ҳолда амалдаги меъёрлар, нархлар, ставкалар (маошлар) бўйича ҳақ тўланади.

3. Касб-ҳунар мактаби ўқувчилари мактаб жамоасининг аъзолари ҳисобланадилар, ўқув-тарбия ҳамда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишда, бўш вақт ва дам олишларни ташкил этишда иштирок этадилар.

— 3 —

4. Ўқувчиларнинг қонунчилик билан белгиланган ўқиш, меҳнат қилиш ва дам олиш шартларига риоя қилинишига таълим муассасасининг раҳбарияти жавоб беради.

V. Касб-ҳунар мактабининг педагог кадрлари

1. Касб-ҳунар мактабларига педагог ходимлар сифатида ишлашга тегишли маълумот, касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган шахслар қўйиладилар.

2. Касб-ҳунар мактабининг педагог ходимлари:

— мактаб фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал қилишда иштирок этиш;

— машғулотларни олиб бориш шакли, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш воситалари ҳамда усулларини мустақил белгилаш;

— ўқув-тарбия ҳамда услубий ишларни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Касб-ҳунар мактаби педагог ходимларининг бурчлари:

— ўқув ва услубий ишларни юқори касб-ҳунар даражасида олиб бориш, таълим мазмунини такомиллаштиришда фаол иштирок этиш;

— ўқувчилар, жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни ҳамкорликнинг демократик асосларида қуриш, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқарувини ривожлантиришга кўмаклашиш;

— ўз назарий билим даражаларини, педагогик маҳоратларини ҳамда касб-ҳунар малакаларини тинимсиз ошириб бориш;

— ўқувчиларнинг ота-оналари ва улар ўрнини босувчи шахслар билан мунтазам иш олиб бориш.

VI. Касб-ҳунар мактабини бошқариш

1. Касб-ҳунар мактабини бошқариш мазкур Низом ва Мактаб уставига мувофиқ амалга оширилади. Касб-ҳунар мактабининг бутун фаолиятини бевосита бошқаришни унинг директори амалга оширади. Директор ўқув юрти бевосита бўйсунадиган орган томонидан тайинланади.

2. Касб-ҳунар мактабининг педагогик кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкил этиладиган ва ишлайдиган педагогик кенгаш касб-ҳунар мактаби бошқарувининг ҳайъат органи ҳисобланади.

3. Тузилма бўлинмаларининг таркиби, уларнинг функциялари ва вазифалари касб-ҳунар мактабининг устави билан белгиланади.

VII. Касб-ҳунар мактабини молиявий таъминлаш ва унинг моддий-техника базаси

1. Касб-ҳунар мактабининг молиявий фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари, жумладан;

— шартномалар бўйича ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун харажатларни қоплаш тартибида тушадиган маблағлар;

— белгиланган тартибда ажратиладиган ва тўланадиган банкларнинг кредитлари;

— касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш фаолияти, пулли хизматлар кўрсатиш ва бошқа хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан тушадиган маблағлар;

— мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлардан, жамоат ташкилотлари, хусусий шахслар, ҳокимликлардан тушадиган ихтиёрий тушумлар ҳам бўлиши мумкин.

2. Маблағларни сарфлаш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва бошқа тегишли органларнинг «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қоидалари ҳисобга олинган ҳолда амалдаги йўриқнома ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VIII. Касб-ҳунар мактабини ташкил этиш ва уни тугатиш

Касб-ҳунар мактаби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

— 1 —

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-сон қарорига 2-ИЛОВА

КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

Касб-ҳунар лицейи малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминловчи узлуксиз таълим тизимидаги интеграциялашган турдаги ўқув муассасаси ҳисобланади.

Касб-ҳунар лицейи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга, мазкур Низомга ва таълим органларида рўйхатдан ўтказилган Уставга мувофиқ амалга оширади.

Касб-ҳунар лицейида касбга ўргатишнинг икки босқичи назарда тутилади:

1-босқич — ўқувчиларнинг ўрта маълумот олишлари ва ишчи касбини эгаллашлари. 1-босқични ўқувчилар билан бутлаш базавий мактабларнинг битирувчилари ҳисобидан танлов асосида амалга оширилади.

2-босқич — 1-босқичдаги касб тайёргарлиги ёки касб бўйича оширилган ишчи малакаси ихтисосига кўра ўрта бўғин мутахассиси малакасини эгаллаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг аттестациядан ўтган ва аккредитация қилинган ҳамда мақомига кўра ўрта махсус ўқув муассасаларига тенглаштирилган касб-ҳунар лицейларига белгиланган тартибда иккинчи босқич бўйича ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ҳуқуқи берилади.

Касб-ҳунар лицейнинг иккинчи босқичига қабул биринчи босқич битирувчилари ҳисобидан белгиланган тартибда тест синовлари асосида амалга оширилади.

Мутахассисларни тайёрлашни ташкил этишда касб-ҳунар лицейи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив ҳужжатларига амал қилади.

Касб-ҳунар лицейи юридик шахс ҳисобланади, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа счетларга, Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Касб-ҳунар лицейининг мақсад ва вазифалари

1. Ёшларда техника, технологиялар доимо янгиланиб, меҳнатни ташкил этиш такомиллашиб бораётган шароитларда тезда мослашишга, бозор муносабатлари шароитида ҳаёт фаолиятига тайёр туришга кўмак берувчи касбий уқув ва кўникмаларни шакллантириш касб-ҳунар лицейи фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

2. Касб-ҳунар лицейи фаолиятининг вазифалари ва йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади;

— касб-ҳунар лицейидаги ўқитишнинг ҳар бир босқичи тугал бўлиши ҳисобига ўқувчиларнинг қобилиятларига мувофиқ турли даражаларда касбий ва умумий таълим олиш учун уларга имкониятлар яратиш;

— давлат таълим стандартларига мувофиқ ҳар хил ихтисосликдаги ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш.

III. Ўқув жараёни

1. Касб-ҳунар лицейида ўқувчиларни тайёрлаш мутахассислар ва касбларнинг амалдаги рўйхатига кўра ишчилар ва мутахассислар касблари бўйича амалга оширилади.

2. Касб-ҳунар лицейида ўқувчиларни ўқитиш белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ олиб борилади.

3. Ўқиш тамом бўлгандан сўнг ўқитишнинг тўлиқ курсини ўтган, фанлар бўйича ижобий якуний баҳоларга эга бўлган касб-ҳунар лицейининг ўқувчилари битириш малака имтиҳонларини топширадилар ёки диплом лойиҳасини ҳимоя қиладилар. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ёки лойиҳани муваффақиятли ҳимоя қилган битирувчиларга тегишли малака берилади ва таълим даражасига мувофиқ белгиланган намунадаги диплом (сертификат) топширилади.

— 3 —

IV. Касб-ҳунар лицейининг ўқувчилари

1. Касб-ҳунар лицейининг ўқувчилари ўқув-меҳнат жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзолари ҳисобланадилар, касб-ҳунар лицейининг Уставида ва мазкур Низомда назарда тутилган ўқув, тарбия ва ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этадилар.

2. Касб-ҳунар лицейи ўқувчиларига касб-ҳунар ўқув муассасалари ўқувчилари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан назарда тутилган моддий таъминлаш шарт-шароитлари жорий этилади.

V. Касб-ҳунар лицейининг педагог кадрлари

1. Педагогик ходимларни касб-ҳунар лицейига ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ унинг директори томонидан амалга оширилади.

2. Ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари ва тарбиячиларнинг функционал мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган малака тавсифномаси билан, шунингдек, лицей Устави ва контракт шартлари билан белгиланди.

3. Касб-ҳунар лицейининг педагог ходимларига Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг амалдаги норматив ҳужжатларига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари жорий этилади.

VI. Касб-ҳунар лицейини бошқариш

1. Касб-ҳунар лицейини бошқариш мазкур Низом ва лицей Уставига мувофиқ амалга оширилади. Касб-ҳунар лицейининг бутун фаолиятига бевосита раҳбарликни унинг директори амалга оширади. Директор Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўқув муассасаси бўйсунадиган орган томонидан тайинланади.

— 4 —

2. Касб-ҳунар лицейининг педагогик кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкил этилган ва иш кўрадиган педагогик кенгаш касб-ҳунар лицейини бошқаришнинг ҳайъат органи ҳисобланади.

3. Тузилмавий бўлинмаларнинг таркиби, уларнинг функциялари ва вазифалари касб-ҳунар лицейининг Устави билан белгиланади.

VII. Касб-ҳунар лицейини молиявий таъминлаш ва унинг моддий-техника базаси

1. Касб-ҳунар лицейининг молиявий фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари, жумладан:

— ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун харажатлар ўрнини тўлдириш тартибидаги шартномалар бўйича маблағлар тушуми;

— белгиланган тартибда ажратиладиган ва тўланадиган банкларнинг кредитлари;

— ишлаб чиқариш фаолиятидан, пулли хизматлар кўрсатиш ва бошқа хўжалик ҳисобидаги фаолиятидан тушадиган маблағлар;

— мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлардан, жамоат ташкилотлари, хусусий шахслардан тушадиган ихтиёрий тушумлар ҳам бўлиши мумкин.

2. Маблағларни сарфлаш Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг амалдаги йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VIII. Касб-ҳунар лицейини ташкил этиш ва уни тугатиш

Касб-ҳунар лицейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

(Боши 1-бетда).

ни ислоҳ қилиш юзасидан нуфузли йиғилишларда кўп марта гапирилди. Аммо Бухоро вилоятида шу муҳим талабга бефарқ қаралмоқда. Вилоятда зарур техник воситалар ва ўқув куроллари билан жиҳозланган намунали мактаблар жуда оз.

Бу соҳага мутасадди ва масъул ходимларга талаб қўйиш, зарур бўлса, жавобгарликка тортиш вақти келмадими?

Маданият бизнинг умумий тафаккуримизнинг, миллий қадриятларимизнинг асосидир. Бунда клублардан фойдаланиш, улар хизмати самарадорлигини ошириш, уларни ҳаётда ҳақиқий маданият ўчоғига айлантириш каби масалалар раҳбар ва мутасадди фаолларимизнинг хаёлига ҳам келмайди.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб улғайтириш учун шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин; бунга монелик қиладиган, уни тан олмайдиган кишилар билан асло муроса қилолмаймиз».

Президент ҳақ. Зиё масканида аҳвол шундай бўлгач, бошқа жойлардан нимани кутиш мумкин. Фожиа шундаки, эски шиорлар, кутубхоналардаги эски мафкурани тарғиб қиладиган адабиётларни бир йил аввал Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида жиддий кўриб чиқилган, жойлардаги раҳбарларга махсус кўрсатмалар берилган, «Маърифат» газетаси ҳам бундай жамоаларни танқид қилиб чиққан эди. Бу раҳбарларнинг ахборотни

ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ – МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ ЎЧОҒИ

қабул қилмаслиги, маънавий қашшоқлиги оқибати, ўз устида ишламаслиги натижасидир. Бундай раҳбарлар қабул қилинаётган қарорлар, чиқарилаётган буйруқлар ижросини табиий равишда, ҳа-ҳа, табиий суратда назоратга ололмайдилар. Улар қарор моҳиятини тушунмайдилар, чунки улар янгича фикрламайдилар, тўғриғоғи фикрлай олмайдилар.

Нутқда болалар тарбияси билан боғлиқ бошқа масалаларга ҳам эътибор берилди.

«Вояга етмаганлар содир этган жиноятлар 130 тадан 134 тага қадар кўпайган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноятга қўл урган ўсмирларнинг деярли ярмини ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар ташкил қилади.

Бир нарсага ҳайрон бўлади одам: бундай ҳолда юрган болаларнинг ота-онаси борми ўзи ёки йўқми? Уларнинг жамоа олдидаги масъулияти ва жавобгарлиги қандай? Умуман жамоатчилигимизнинг бундай ўта муҳим масалаларга ёндашиши қандай?»

Жуда кенг қамровли бу саволларни юртбошимиз жамоатчилик олдига қўйди. Хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ зиёли ва ё оддий фуқаро — у аввало ўз фарзандларига ота-она ҳисобланади.

Фарзанднинг оилада, маҳаллада, мактабда ўзини қандай тутиши оиладаги маънавий муҳитнинг даражасини, ота-онанинг бола тарбиясига эътиборини кўрсатиб туради. Хўш, бу фарзанд жиноят қилса, нега бундай фарзандни тарбиялаб, жамиятга қўшган ота жавобгарликдан четда қолиши керак? Фарзанди тарбиясига масъул деган ғояни шиор қилиш керак деган сўзни бежиз айтмади Ўзбекистон Президенти.

Лекин бу муаллимнинг жавобгарлиги йўқ деган гап эмас. Ахир элимизнинг кўп чиғириқдан ўтиб, хулосаланган мақоли бор: **«Устоз — отангдан улуғ»**. Демак, устознинг жавобгарлиги отадан ҳам улуғ. Гап бу жавобгарликни уларнинг зиммасига юклашдагина эмас, шунингдек, оила—маҳалла—мактабнинг бир бутунлигини, баҳамжиҳатлигини кўрсатишдадир. Ҳозирча эса кўпчилик ҳолларда фарзандига танбеҳ берган муаллимни беобрў қилиш билан овора. Чунки бу эрка ва ноқобил фарзанд ўзининг бошига бало бўлишини англаб етмайди. Бунда маҳалла ўртага кириб масалани ҳал қилишида катта маъно бор. Ахир маҳалланинг аҳамияти тарихдан маълум.

Алқисса, Бухородаги бу гаплар фақат шу вилоят халқигагина тегишли эмас. Бундан барча вилоят раҳбарлари, жумладан таълим тизимидаги раҳбарлар, барча зиёлилар тегишли хулоса чиқариб, уни ҳаётга тадбиқ этишлари керак бўлади.

Фитрат

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Навойи Низомий билан Хусрав-у Деҳлавийнинг мана шул ифодаларидан илҳом олиб Фарҳод достонини Хитой ҳоқонининг саройидан бошлади:

Фарҳод тезлик билан кўп нарсаларни ўрганадир. Ўқ отиш, от миниш, қилич чопиш каби ботирлиқ ҳунарларда ҳам биринчи бўлди. Бироқ сабабсиз бир қайғуни битирмакда эди. Шаҳзода Фарҳодни овутмоқ учун ҳоқоннинг амри билан тўрт жойда, йилнинг тўрт фаслида ўтурарлиқ тўрт қаср ясала бошланди.

Фарҳод шу қасрларнинг иморат ишларини томоша қилмоқ учун ҳар кун қатнаб турарди. Бир кун иморат бошида «Қоран» исмли бир тош устасининг иши уни қизиқтирди. Ундан тош йўнмоқни ўрганди. Тўрт йилда қасрларнинг иморати битди. Ҳар қасрни йилнинг бир фаслига муносиб қилиб бўядилар. Баҳорга махсус қаср қизил, ёзга махсус қаср кўк, куз қасри сариғ, қиш қасри оқ бўёвлар билан бўялдилар.

Навойи бу тўрт қасрни Низомий достонидаги Меҳин Бонунинг йилнинг ҳар фаслида бир жойда турмоғидан оладир. Бўёмоқ масаласини эса Низомийнинг «Ҳафт пайкар»идаги Баҳром қасрларидан илҳом олиб ёзадир.

Фарҳод ҳоқоннинг амри билан бу қасрларга кўчадир. Йилнинг ҳар фаслида шу фаслга махсус бўлгон қасрнинг бирида ўтказадир. Бунинг билан ҳам унинг сирли йиғиси йўқолмайдир. У яна қайғили, яна мунгли! Ҳоқон бу ҳолни кўргач, ҳайрон қоладир. Яна бошқа чора тушунадир. Фарҳодга ўз тахтини топшириб ўзи подшоликдан чекилмакчи бўладир. Фарҳодни ёнига чақириб, тахтини таклиф қиладир. Фарҳод кўп узрлар айтиб қабул қилмайдир. Сиз тирик эканда мен бу ишни қилмайман, дейдир.

Навойининг достон орасида махсусан бундай бир фаслни киргизиши ўз шаҳзодалари бўлгон Ҳусайн Бойқаро болаларига «ахлоқий бир дарс» бермак учундир. Маълумки, Темурийлар замонида ўғулнинг отаға исён қилиши, ҳатто отани ўлдириб тожини олиши бўлиб турғон воқеалардан эди. Айниқса, Навойининг ҳукмдори бўлгон Ҳусайн Бойқаронинг ўғуллари навбат билан оталарига исён кўтардилар ва ҳар дафъасида Навойи орага кириб сулҳ қилдиргон эди. Мана шу шаҳзодаларга насиҳат бўлсин учун Навойи китобда шу фаслни киргизадир.

Фарҳоднинг тахтни қабул қилмай, узр айтишидан отаси Ҳоқон жуда маҳзун бўлди. Фарҳодни хазинасиға киргизди. Онда «биллур» бир сандиқ ичида «Ойинаи жаҳоннома»ни кўрди. Ойинанинг орқасида «Бу ҳар кимнинг келажакларини кўрсататурғон ойинадир. Бунинг сиррини очмоқ учун Юнон ўлкасига бориб Суқрот ҳақим билан кўришмак керак», деб ёзилгон эди. Фарҳод Юнонға боришға қарор қилди. Отаси ҳеч бир чора топа олмағоч, ўзи олиб бормоқчи бўлди. Қўшун тортиб Юнонға бордилар. Суқрот турғон моғарони жуда кўп қийинчиликлар билан топдилар. Суқрот ойинанинг сиррини Фарҳодга ўргатиб, ўзи ўлди. Ота-ўғил уни кўмиб, Хитойға қайтдилар. Яна хазинаға кириб Фарҳод ойинаға қаради. Арман ўлкасида ўзининг келажакларини кўрди. Ширинниг суратига ошиқ бўлди. Арман ўлкасига боришға қарор берди. Отаси яна ўзи билан олиб бормоқчи бўлиб йўлга чиқдилар. Кемаларга миндилар. Денгизда бўрон бўлди. Кўп аскарлар сувга ботдилар, Ҳоқон билан вазирнинг кемалари Хитой аскарлар сувга ботдилар, Ҳоқон билан вазирнинг кемалари ХИТОЙ қиргоғига қайтди, Фарҳод ҳар нарсадан хабарсиз, синиқ кемадан айрилгон бир тахтаға ёпишиб сув юзида қолди. Яман ўлкасига боратурғон бир савдо кемаси Фарҳодни қутқариб ўз ичига олди. Йўлда денгиз қароқчилар кемага ҳужум қилдилар, Фарҳод улар билан урушиб савдо кемасини қутқарадир. Яманга бориб етдилар. Кема орасидағилардан Шопур исмли киши Фарҳод билан дўстлашди. Унинг дардини сўраб англади. «Сенинг ойинада кўрганинг ўлка арман ўлкасидир. Мен уни кўрганман. Истасанг шу ўлкага бирга борайиқ», деди.

Навойи достоннинг шу фаслини битирган одатинча Соқиға хитоб қилиб мавзуга муносиб сўзлар билан ундан майни сўрайдир:

Кетур Соқи манга ишрат айоғин,1

Ки, даврон берди мақсудим сўроғин,2

Мени чун қилди моҳи армани зор,

Чекай бир неча соғар арманивор3.

Мана шу тўрт мисраъ илмий «соқинома» Навойининг ҳам бу достоннинг Арманистонда бўлгониға, Ширинниг армани қизи эканига, ишонғонин билдирадир.

Фарҳод билан Шопур йўлга чиқалар. Арман ўлкасига етишалар. Бир кўп мардикорларнинг тоғ қазиб турғонларин кўралар, Фарҳод улардан нима қилиб турғонларин сўрайдир. Мардикорлар:

— бу ўлкада Меҳин Бону исмли бир хотин амир бор. Унинг бир қиз жияни бор. Шу тоғнинг ғарб томонидаги Армания исмли бир ўрунда бир боғ бино қилмоқчи. Боғ учун танланғон бу жойнинг суви йўқ. Тоғнинг шарқ томонида жуда яхши сувли бир булоқ бор. Қиз шу булоқдан ясалатурғон боқға (Низомийда сут йўли эди) сув оқизмоқ истайдир. Биз мана шу сув йўлини қазмоқдамиз. Шунча тиришамиз бу қаттиқ тошни қазиш мумкин бўлмайди... деб зорланадирлар.

Фарҳод буларга ёрдам қилмоқға қарор берадир. Тоғни қаза бошлайдир. Тоғ қазишда ўзининг Хитойдан ўрганган ҳунарларини ишлатиб ҳаммани ҳайратда қолдирадир. Меҳин Бону билан жияни Ширин бу хабарни эшитиб томошаға келадилар. Ширин Фарҳодни севадир.

Бундан кейин Навойининг Низомийга яқинлаша борғонин кўрамиз. Фарҳод Ширинниг томошаға келганини билиб, оти билан елкасига кўтариб, ёмон йўллардан ўтказадир. Шу ораларда Хусрав Парвиздан Ширинга совчи келадир, Ширин томонидан Хусравнинг таклифи рад қилинадир. Хусрав арман ўлкасига қўшун тортиб «Армания» қўрғонини муҳосара қиладир. Хусрав «Армания» қўрғонини томоша қилиб ҳужум нуқталарини тайинлаш учун отланиб чиқадир. Қўрғоннинг бир томонида, баланд бир тоғ тепасида Фарҳодни кўрадир. Унинг ўз рақиби эканин билгач, боғлаб келтирмак учун одамлар юборадир. Фарҳод тош отиб ўзини мудофаа қиладир. Ва шунда туриб Хусравни жуда аччиқ тил билан хўрлайдир, маломат қиладир:

Жафо майдониға ҳардам суруб от,

Киши андин нучук қилғай мубоҳот4.

Эрур бу турфароқким тортибон тиғ5,

Қарортиб ерни хайлинг уйлаким миғ6.

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,

Олай деб мулк элидин тахт ила тож.

Бировниким бериб мулкини барбод,

Қилурсен нозанин кўнглини ношод.

Шикастига ситам ёйин қурарсен,

Эшиттим, ишқ лофин ҳам урарсен.

Бу бўлгай дарду ишқ ойини ваҳ-ваҳ,

Вафоу меҳр шарти оллаҳ-оллаҳ!

Киши ишқида зор ўлмоқ бу бўлгай!..

Гамидин беқарор ўлмоқ бу бўлгай!..

Хусрав жойиға қайтадир. Яна Меҳин Бонуга элчи юборадир. Рад жавоби олғоч, муҳосара бошланадир. Хусрав қўрғон мудофаасини кучсизлатмак учун Фарҳодни қўлга туширмак истайдир. Ҳийла билан уни боғлаб Хусрав ёнига кетиралар. Ундан кейин Хусрав Парвиз билан Фарҳод орасида бир мусоҳаба тасвир қилинадир. Бу мусоҳабанинг Низомий достонида ҳам борлиғини юқорида кўрган эдик. Достоннинг ҳаяжонли бир саҳифа ташкил қилғони ҳамда бурунғи шоирларнинг «сўзда усталиқ»ларини кўрсатишга муносиб бир ўрун бўлгони учун Хусрав-у Деҳлавий, Алишер Навойи ҳам бу мусоҳабани тасвир қилмай ўталмаганлар. Биз мусоаҳаба ҳақида бўлгон Хусрав-у Деҳлавийнинг шеърларидан гапурмаймиз. У Низомийнинг бу ҳақдаги шеърларига қарагонда тубандир. Лекин Навойи билан Низомийнинг бу саҳифаларини ёндоштириб мақоламизга кўчирамиз, бу эса бир турлигина воқеаларда ҳам Навойининг Низомийга таржимачи бўлмоқ истамаганини(ни) жуда очиқ кўрсатадир.

Навойи

Деди: қайдинсен, эй мажнуни гумраҳ?

Деди: мажнун ватандин қайда огах.

(Давоми бор).

(Аёг: пиёла, рюмка; Даврон: замона; Соғар: пиёла).

1) Хайл, лашкар. Миғ: булут.

2) Ҳаёт.

3) Ҳаёт.

4) Мубоҳот: махтанмоқ.

5) Турфа: қизиқ.

6) Хайл, лашкар. Миғ: булут.

(Боши ўтган сонларда).



КЎНГИЛЛИЛАР ҚАСАМЁДИ

(Боши 1-бетда)

ва Мавжуда Абдураҳмоновалар оиласида ўтказдим, — дейди у. — Тўйларда қатнашдим, одатларингизни, тилингизни ўрганишга ҳаракат қилдим. Оиладагилар мени яхши қабул қилишди, кўп нарсаларни ўргатишди. Уларга раҳмат.

Дарвоқе, у Қурбон акани отам, Мавжуда опани онам дея таништирди. Ўзига хос гўзал муносабат.

— Келганингизда ўзбек тилини умуман билмаган экансиз. Оиладагилар билан қандай мулоқотда бўлдингиз?

— Аввало Баҳромжон (Қурбон отамнинг фарзандлари) инглиз тилини билади. У ёрдам бериб турди.

— Асосий икки йилни қаерда ўтказадиган бўлдингиз?

— Самарқандда, чет тиллар институти талабаларининг инглизча сўзлашувларини ривожлантиришга ёрдам бераман.

Брайн КВИГЛИ:

— Мен АҚШнинг Массачусетс штатиданман. Умурзоқ Ўлжабоев оиласида уч ой яшадим. Мени шу ерга қолдиришди, яъни Гулистон университетида ва унинг қошидаги лицейда дарс бераман.

— Ўзбекчани яхши билмай, лицей ўқувчиларига қандай қилиб инглизчани ўргатмоқчисиз?

— Бунинг йўллари кўп. Мимика билан, турли моделлар, макетлар ёрдамида уларга тил ўргатишга ҳаракат қиламан.

Маросим Тинчлик корпуси директорининг «Ассалому алайкум», 36 нафар кўнгиллининг эса «Ваалайкум ассалом» деган каломи билан бошланди. Кўнгиллилар 22 ёшдан 60 ёшгача бўлган йигит-қиз, эркагу аёлдан иборат. Улар номидан Элизабет Коҳен ўзбек тилида маъруза қилиб, ўз мақсад ва вазифаларини баён этди. Маҳаллий ота-оналар номидан эса Наргиза Рустамова ҳам сўзга чиқди.

Қасамёд маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Маъсудов, олий таълим вазирининг ўринбосари Қаҳрамон Аллаевлар қатнашишди ва АҚШнинг таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган қатор ташкилотларининг, хусусан, тинчлик корпусининг амалга ошираётган ижобий ишларини алоҳида таъкидлашди. Уларга икки вазирлик номидан миннатдорчилик билдирилиб, тинчлик корпуси директори ва кўнгиллиларига мўъжаз совғалар— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг икки инглизча китоблари, Ўзбекистон картаси топширилди.

Қасамёд маросимини АҚШнинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Стэнли Эскудеро ўтказиб, барча кўнгиллиларга омад тилади.

Ҳ. ОМОНХОН.

Суратларда: маросимдан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

— 1 —

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 декабрдаги 439-сон қарорига 3-ИЛОВА

БИЗНЕС-МАКТАБ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Бизнес-мактаб кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг менежмент, маркетинг, хўжалик ҳуқуқи, молияни бошқариш, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит асосларини, амалий тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган билимлар ва кўникмаларни етарли ҳажмларда эгаллаган ташкилотчиларини тайёрлайди.

2. Бизнес-мактаб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга, мазкур Низомга ва таълим органларида рўйхатдан ўтказилган Уставга мувофиқ амалга оширади.

3. Бизнес-мактабга тегишли даражадаги касб-ҳунар ўқув юртлари учун назарда тутилган барча имтиёзлар жорий этилади.

4. Бизнес-мактаб юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счетларга, Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Бизнес-мактабнинг мақсад ва вазифалари

1. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида ёшларда фаол тадбиркорлик фаолияти уқуви ва кўникмаларини шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитларида бизнес билан шуғулланиш учун зарур бўлган касблар ва мутахассисликларга эга бўлиш имкониятларини таъминлаш асосида ёшларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши функциясини амалга ошириш бизнес-мактаб фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

2. Қуйидагилар бизнес-мактаб вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

— давлат таълим стандартларига мувофиқ кичик ва ўрта бизнеснесни ташкил этиш ва олиб бориш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш;

— фермер хўжаликлари, фирмалар, компаниялар, корхоналар, муассасаларга ва алоҳида тадбиркорларга бизнесни ташкил этиш юзасидан маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

— 2 —

— минтақада тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун бизнес-лабораториялар, инкубаторлар ва шунга ўхшаш муассасаларни ташкил этиш;

— тадбиркорлик соҳасида банд бўлган амалиётчи ходимлар учун тайёрлов, қайта тайёрлов ва малака ошириш курслари ташкил этиш.

3. Бизнес-мактаб унинг асосий функцияларини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашувчи ва қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган исталган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

III. Ўқув жараёни

1. Бизнес-мактабда ўқитиш ишлари белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўқиш тамом бўлгандан кейин бизнес-мактабнинг ўқитишнинг тўлиқ курсини тамомлаган ва фанлар бўйича якуний ижобий баҳоларга эга бўлган ўқувчилари битирувмалака имтиҳонлари топширадилар ёки ишлаб чиқилган бизнес-режаларни ҳимоя қиладилар.

Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ёки лойиҳаларни муваффақиятли ҳимоя қилган битирувчиларга тегишли малака берилади ва таълимнинг тегишли даражасининг белгиланган намунадаги дипломи (сертификати) топширилади.

IV. Бизнес-мактаб ўқувчилари

1. Бизнес-мактабга ўқувчилар қабул қилиш бизнес-мактабнинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

2. Бизнес-мактаб ўқувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тегишли ўқув юртларининг ўқувчилари учун назарда тутилган моддий таъминот шартлари жорий этилади.

3. Ўқувчилар:

— бизнес-мактабнинг ўқув-моддий базасидан фойдаланиш;

— бизнес-мактабнинг тадбиркорлик фаолиятида қатнашиш;

— бизнес-мактабнинг фаолиятини, ўқувчилар таркибини яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Бизнес-мактаб ўқувчилари:

— Ўзбекистон Респуликасининг қонун ҳужжатларига;

— ахлоқ ва этика нормаларига, бизнес-мактабнинг устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

— 3 —

— фанга асос бўлувчи билимларни мунтазам ва теран эгаллашга, ўз қобилиятларини ривожлантиришга, ўз билимларини мустақил бойитиб бориш уқувини ишлаб чиқишга ва уларни амалиётда қўллашга мажбурдирлар.

V. Бизнес-мактабнинг педагог ходимлари

1. Бизнес-мактабда ўқитувчи сифатида ишлашга тегишли касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган шахслар қўйиладилар.

— Бизнес-мактаб ўқитувчиларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бизнес-мактабнинг педагог ходимларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тегишли ўқув юртларининг ўқитувчилари учун назарда тутилган имтиёзлар жорий этилади.

2. Бизнес-мактабнинг педагог ходимлари:

— бизнес-мактаб фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

— машғулотларни олиб бориш шаклини, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш воситалари ҳамда усулларини мустақил белгилаш;

— ўқув-тарбия ва услубий ишларни такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрлаш ва киритиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Бизнес-мактабнинг педагог ходимлари:

— ўқув ва услубий ишларни касб жиҳатидан юқори савияда олиб боришга, таълим мазмунини такомиллаштиришга фаол қатнашишга;

— педагогик меҳнатни ташкил этишнинг юксак маданиятини таъминлашга, ўқувчилар томонидан ўқув материалининг сифатли ўзлаштирилиши учун жавоб беришга;

— ўзларининг назарий савияларини, педагогик маҳоратларини, касбий малакаларини узлуксиз ошириб боришга мажбурдирлар.

4. Бизнес-мактабга педагогика ишларига жалб қилинадиган олий ўқув юртлари ўқитувчиларига олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун назарда тутилган иш ҳақи ставкалари сақлаб қолинади.

VI. Бизнес-мактабни бошқариш

1. Бизнес-мактабни бошқариш яккабошчилик ва коллегиаллик асосларида амалга оширилади. Бизнес-мактабнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилишни унинг директори амалга оширади. Директор бизнес-мактаб бевосита бўйсунишда бўлган, орган томонидан олий маълумотга эга бўлган одатда камида беш йиллик педагогик иш стажига эга бўлган шахслардан тайинланади.

— 4 —

Бизнес-мактабнинг директори бизнес-мактабнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этади, унинг бориши ва натижаларини назорат қилишни амалга оширади, бизнес-мактаб ишининг сифати ва самарадорлиги учун шахсан жавоб беради.

2. Ўқув-тарбиявий, услубий ишларнинг асосий масалаларини коллегиал кўриб чиқиш учун бизнес-мактабда тажрибали педагог ходимлардан, корхоналар ва ташкилотларнинг вакилларидан иборат педагогика кенгаши, илмий-услубий кенгаш ташкил этилади.

VII. Бизнес-мактабни маблағ билан таъминлаш ва унинг моддий-техника базаси

1. Бизнес-мактабнинг молиявий фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари, бюджет маблағларидан ташқари маблағлар тушумлари, жумладан:

— тадбиркорлар ва мутахассислар тайёрланганлиги, қайта тайёрланганлиги ва малакаси оширилганлиги учун харажатларни қоплаш тартибида шартномалар бўйича маблағлар тушуми;

— белгиланган тартибда бериладиган ва тўланадиган банкларнинг кредитлари;

— бизнес-мактабнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан, пулли хизматлар кўрсатиш ва хўжалик ҳисобидаги бошқа фаолиятидан тушадиган маблағлар;

— мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлардан, жамоат ташкилотлари, хусусий шахслар, ҳокимликлардан тушадиган ихтиёрий тушумлар ҳам бўлиши мумкин.

2. Маблағларни сарфлаш ва улардан фойдаланиш «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидалари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлигининг амалдаги йўриқнома ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VIII. Тугатиш ва қайта ташкил этиш

Бизнес-мактабни ташкил этиш, тугатиш ва қайта ташкил этиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАДА ИФОДАЛАНГАН ФИКР

(Э. Воҳидовнинг ҳажвий шеърлари асосида)

Шоир Эркин Воҳидов «Оқшом» шеърида «Шоирлардан доимо талаб, ўқимоғи керак янги шеър ва айтмоғи керак янги гап», деб ёзади ва ўзи ҳам бутун ижоди давомида ўша фикрига амал қилиб келмоқда.

Эркин Воҳидов шеърларида фикрни тиниқ ифодалайди, ҳаёт манзараларини, ички кечинмаларини образли тасвирлайди. Шоир кейинги давр ижодида ижтимоий воқеа-ҳодисаларни тасвирлашга кўпроқ ўрин бермоқда. У Ватанимиз истиқболига бевосита даҳлдор ижодкор. Э. Воҳидов шўро замонидаги сукунатни бузиб, мустақиллик ғояларини бошқалардан кўра илгарироқ куйлади. Унинг ижодидагина эмас, умуман ўзбек шериятида муносиб баҳоланган «Ўзбегим» қасидаси бунга исбот тариқасида кўрсатилса, хато бўлмайди.

Шоир бу кунги гўзал ҳаётимизда турли нуқсонларнинг ҳам учраб туришини енгил юмор билан ифода этади ва шу йўл билан уларга барҳам беришга интилади.

Шоирнинг танланган мавзуга самимият билан муроҳаат қилишини унинг юморга, ҳазил-мутойибага бой, турмушда учраб турадиган нуқсонларни танқид қилган шеърларида инсон ҳаётининг манзаралари чуқур ва мураккабликлари билан акс эттирилади. Уларнинг аксариятида танқидчи Иброҳим Ғофуров эътироф этганидек, «...танқидий руҳ устунлик қилади», унинг ижодида маънавий нуқсонларга қарши сўз тобора кескин жаранглай боради.

Шоир ахён-ахёнда учраб турадиган болаларга ёлғон гапирувчи катталарни танқид қилади, ёлғонга қарши ўт очади.

Сатирага мойил «Оқсоқол», «Сен менга тегма», «Мажлис қилинг», «Манфаат фалсафаси» каби шеърларида замондошларимиз характери, уларнинг иш юритиш усулида кўзга ташланадиган, бироқ жамиятимиз табиатига зид бўлган номақбул хислатлар асосий мавзу қилиб олинган. Шоир бундай шеърларида ҳаётда учраб турадиган иллатларни қаҳр билан фош этади. «Мажлис қилинг» шеърида аччиқ киноя, кесатиш ва сатирик майл қоришиқ ҳолда келиб, шеърда ўртага қўйилган муддаонинг ўқувчига аниқ етиб боришини таъминлаш учун хизмат қилади. Шеър марказида иш бажаришдан кўра, дабдабали, ҳуда-беҳудага мажлис ўтказишни иш усулига айлантириб олган бюрократ раҳбарнинг қиёфаси туради. Бундай раҳбарларни одамларнинг вақти масаласи асло безовта қилмайди.

«Манфаат фалсафаси» шеърида ҳаётимизда кўзга ташланиб турадиган яна бир тоифадаги кимсаларнинг «сув юқмас» нусхаси, уларнинг елиб-югуриш моҳияти шоирона маҳорат билан фош қилинади. Таъмагирлик, худбинлик каби хислатларни ўзида мужассамлаштирган айрим кишиларга стол тегса бас, уларнинг «таланти» ўзини намойиш эта бошлайди. Шеърда бир одамнинг ўз дўстига киноя ли насиҳатомуз айтган сўзларида ўртага қўяётган «ғоя»лари шоир қарашларига, меҳнаткаш халқ идеалига мутлақо зид.

У: «Тўғриликка ҳам ҳад бор, бунчалар ҳалол бўлма», «Сендан ул ва мендан бул», «Нафи йўқ жиян келса, тоға ҳам қувар», деб тагдор гапиради дўстига:

Ушбу фалсафа билан
Сен узоққа боргайсан;
Яъни бир куни жарга
Ё тузоққа боргайсан!
Манфаатпарастлик бул
Маслагинг омон бўлмас,
Сенга... билмадим, аммо
Элга ҳеч ёмон бўлмас.

«Сен менга тегма» номли шеърида яна бир тоифа бошлиқларга хос бошқа бир иллат фош қилинган. Ўз мавқеига путур етишидан қўрқиб, қўл остидаги ходимлар қилаётган жиноятларга, ҳиёнатларга бефарқ қарайдиган «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутаётган раҳбарларнинг характерини очишда мажозий образлардан усталик билан фойдаланади. Шеър охирида эса, шоирнинг лирик қаҳрамони тўғри йўлга ўтиб, иллатларга қарши кескин кураш йўлига ўтади.

Мени чорлади
Ички бир садо.
«Агар ҳалолсан
Тилингни тийма!
Битсин йўқолсин —
Сен менга тегма!

Шоирнинг «Темир даҳолар» шеърида инсоният учун муҳим гаплар қаламга олинган. Таъмагирлик, фитна, ғийбатчилик одамларнинг умрига завол бўлмоқда. Фаровон замонамизда нокасларнинг тўқликка шўхлик қилиб ўйлаб топган бу «кашфиёти» барча софдил кишиларимизнинг нафратини қўзғаётир. Шоир шеър хотимасида «Темирлар юртида мажлисбозлик йўқ», ҳеч ким «соатлаб маъруза айтмайди», энг муҳими асаббузарлик оқибатида бемаҳал инфарктлар юз бермайди, ҳеч ким бир-бирининг йўлига ғов бўлмайди. Шоирнинг сўнгги сатларида хулоса аниқ ва лўнда ифодаланган.

Чунки улар фақат
темир даҳолар,
Инсоний даҳодан ҳали
кўп узоқ,
Не ажаб улар ҳам
ўрганса бир кези,
Ким билсин,
олимлар балки
туймушлар.
Одамзод нафаси тег
масин учун
Уларни шишага солиб
қўймишлар,
Темирларга ётдир
севинчу кўз ёш,
Дунё можароси
уларга абас
Бизнинг низоларга
бермаслар бардош,
Чунки улар темир,
одамлар эмас.

Шоирнинг «Биз Дониш қишлоқданмиз», «Дониш қишлоқ латифалари» туркумига кирган шеърлари ҳажвий асарлар яратиш маҳорати юқори даражага кўтарилганини кўрсатади. У бу туркум шеърларида халқ оғзаки ижоди анъаналаридан, эртак латифа усулидан усталик билан фойдаланганлиги кўзга яққол ташланади.

«Матмусо рассом», «Тандир кийган Матмусо» латифаларида келтирилган воқеалар ғоят кулгили ва ибратлилиги билан ажралиб туради.

Аё дўстлар адашган
Бир мўминдан
кулмайлик.
Матмусодек ўзимиз
Тандир кийган
бўлмайлик.

Охирги мисрада «Матмусодек ўзимиз тандир кийган бўлмайлик» дейиши билан шоир умуман ғафлатга ботиб, тараққиётнинг йўлидан четга чиқиб, орқада қолган одамларга кесатиқ қилади ва уларни ғафлатдан огоҳ этади.

Хуллас, Э. Воҳидов ҳажвий шеърларида ғоят нозик, лутф, беозор қочиримлар, самимий табассум уйғотувчи ташбеҳлар, ўткир хулосалар билан ҳаётимизда учраб турадиган иллатларга қарши курашмоқда ва уларни тагтомири билан йўқотишга интилмоқда.

М. ҲОШИМОВА,
Кўқон педагогика институтининг доценти, филология фанлари номзоди.

Туркистон — умумий уйимиз

БИР ОНАНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Марварид шаҳар Тошкентнинг сокин кўчалари узра эрта тонгдан таралган карнай-сурнай наволари барчани тантанага чорлади. Байрамона безатилган республика ўқувчилар саройи биноси кўп ўтмай одамлар билан гавжумлашди. Ҳузурбахш наволарга халқ қўшиқлари уланиб кетди. Қозоғистон Республикасининг Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилаётган болаларнинг дўстлик кечаси ана шундай кўтаринки кайфият билан бошланди. Кечани Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов бошқариб борди.

— Сизлар, бугун бизга улуғ бобомиз Аҳмад Яссавийнинг қутлуғ нафасларини олиб келдингизлар, — деди нотиқ меҳмонларни қутлар экан. — Бугунги учрашувимиз шу йил Алматида бўлган халқаро болалар фестивалидаги ўзаро суҳбатларимизнинг давомидир. Биз ўшанда қалбимизда катта таассурот билан қайтган эдик. Бизнинг нафақат таълим, илм-фан соҳасида, айни пайтда кундалик турмушда ҳам бир-биримиздан ўрганадиган томонларимиз кўп. Демоқчиманки, биз тарихдан бир-биримизга чатишиб, томирларимиз бирлашиб кетган икки бародар халқмиз.

Шундан кейин сўзни Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нажмиддин Ескалиев олди.

— Аслида дунёда дўстликдан қудратли куч йўқ. Айниқса, икки халқ дўстлашса, яна ҳам енгилмас буюк кучга айланади. Тарихдан яхши маълумки, икки қондош, жондош халқларнинг нафақат ерлари, яйловлари туташ, балки маданияти ва санъати ҳам азал-азалдан томирдош. Мен шу нарсани фахр билан айта оламанки, ўзбек пахтасидан тайёрланган кийимларни кийиб катта бўлганмиз. Ўзбекдай меҳнаткаш, жафокаш халқни дунёда топиш қийин. Шу маънода бугун ўтказилаётган болаларнинг дўстлик кечаси ҳам эсда қоларли воқеа бўлади. Икки мустақил мамлакатнинг ҳар томонлама бирга ҳамкорлик қилиши ҳам иқтисодий, ҳам маданий ҳаёт тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишига асло шубҳа йўқ. Мен дўстлигимизнинг умри боқий бўлишига, наслларданнасларга ўтиб янада мустаҳкамланиб боришига чин дилдан ишонаман.

Шунингдек, тадбирда Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маъсул ходими Тўланбой Қурбонов, Тожикистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси биринчи котиби Абдуғафур Латипов, қозоқ маданияти марказининг раҳбари Турсунмат Холбоев ва бошқалар Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган халқларнинг тарихи, тили, урф-одатлари бир илдиздан униб — кўкаргани, яқинлиги хусусида атрофлича сўз юритишди.

Кеча сўнггида Алмати шаҳрида ўтказилган «Айналайин» халқаро болалар фестивалида муваффақиятли иштирок этган Тўйчи Иноғомов номидаги доирачилар дастаси аъзоларидан бир гуруҳига Фахрий ёрлиқлар топширилди. Эсдалик совғаларини Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нажмиддин Ескалиев тантанали равишда топширди.

Ўта нозик дид ва нафосат билан тикилган миллий либосда саҳнага чиқиб, юракдан ёниб куйлаган қозоқ қизларининг уланлари, чанқовузнинг дилўртар наволари йиғилганларни мутаассир қилди. Қалбнинг нозик торларини чертувчи ушбу жозибадор қўшиқлар кўнгилларда эзгу ният каби бир умрга муҳрланиб қолди, ҳамманинг хотирасига ўрнашди.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, бу каби кўнгилочар тадбирларнинг ўтказилиши икки улкан халқ дўстлигининг умрибоқийлигига хизмат қилса, не ажаб.

Улуғбек АКТАМ ўғли,
ўз мухбиримиз.

Хуллас...

ПЕШАЙВОНДА ҲАЁТ ЙЎЛИ

Россиянинг Қўрғон вилоятида пешайвонлар (балконлар) танлови бўлиб ўтди. Унинг ғолиби деб нафақахўр Раиса Ромина топилди. Бувихон 25 йил ҳайдовчилик қилган экан. Ва унинг касбий ҳаёт йўли шундоққина пешайвонда акс этиб турибди. Уч хил — қизил, сариқ, яшил ранг светофорни ифодалаган. Уларнинг ўртасида эса шербачча милиционер формасида. Атрофда пластмасса машиналар. Рангин плакат эса ҳайдовчиларни огоҳлантириб турибди.

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУҒ, ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ

Мазкур ақидани скандинавиялик олимлар «ўн беши совуқ бўлса, ўн беши иссиқ» дея ўзгартириш тарафдори бўлишяпти. Уларнинг фикрича, Европанинг шимолий қисми фақат қору музликларга маҳкум эмас. Бу ердаги ҳарорат ҳам аста-секин кўтарила боради. Вақти келиб, бу ерда ҳам олмаларнинг чаппар урриб гуллагани ҳаммани кўзини яшнатади, дейишмоқда улар.

«ХАКЕР»ЛАР КИМЛАР ЎЗИ

Замон ўзгариши янги касблару янги атамаларни майдонга келтиради. Ушмундоқ касблардан бири «хакер»лик — компьютер орқали ўғрилик қилиш. Хакерлар банк компьютер тармоғига кириб олиб, ҳисоб рақамидаги пулларни бемалол бошқа банкка ўтказиб, бамайлихотир уларни олишлари мумкин.

Бошқирдистонда ана шундай замонавий «касб» эгаси ушланди. Ниятини амалга оширолмаган бу ўғриларни жиноий жазо кутмоқда.

МАДРАС ҲОКИМИ ҲАҚИДА

Яқинда Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳрида ҳокимликка сайловлар бўлиб ўтди. Ва табиийки, даъвогарлардан бири шаҳар ҳокими курсисига эга бўлди. Бироқ, бу сайловнинг нотабиий томони шундаки, янги садири аъзамнинг исми-шарифи М. С. Сталин. Унинг биз билган миллатлар кушандасига умуман алоқаси йўқ.

ана шунақа гаплар

Ҳаракатда — баракат

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚАДИМИЙ ЎЙИНЛАРИ

Ўйин бола ҳаётининг узвий қисмидир. Ўйин орқали бола билим олади, уюшқоқликка, ижод қилишга, интизомга ўрганади. ахлоқий сифатлари ва тушунчалари таркиб топади, ташаббускорлиги ва тафаккур қобилияти ортади, жисмонан чиниқади. Шунинг учун биз халқ орасида унутилиб бораётган ўйинлар ҳақида тушунчалар беришни зарур деб билдик. Ажаб эмаски, шу баҳона болажонлар қалбига кенгроқ йўл топсак, ҳамкасбларнинг оғирини енгил қилсак.

«БЕШ ТОШ» ЎЙИНИ:

Ўйиннинг мақсади қўллар ҳаракатини мувофиқлаштириш, қўл бармоқларини чаққон ҳаракат қилишга ўргатишдир.

Ўйин қоидаси: «Ҳар бир бола бештадан тош ёки данак олади. Ўйиннинг биринчи қисмида тошлардан тўрттаси ерга қўйилиб, биттаси қўлнинг орқа кафтида тутилади. Қўл кафтининг орқасидаги тош ирғитилиб ердаги тошлардан бири кафтга олинади ва ирғитилган тош ҳам шу кафтга туширилади. Шундан сўнг ҳар иккала тош ирғитилиб кафт орқаси билан тутиб қолинади. Сўнгра иккала тош ирғитилиб учинчи тош ердан олинади. Шундай қилиб қўл кафтида бешта тош йиғилгандан сўнг тошлардан бири ирғитилиб, қолган тошлар ерга шундай қўйиладики, улар орасидан бармоқ ўтиши шарт. Ўйиннинг иккинчи қисмида Чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари «Ҳачча» шаклида ерга тиралиб, кафт орқасидаги тош отиб, илиб олингунча биттадан тош ўнг қўл бармоқлари билан «Ҳачча» орасидан уриб ўтказилади. Тошлар ўтказилганда бир-бирига яқин жойлашишига эътибор қилмоқ лозим. Чунки, ўйиннинг ҳал қилувчи қисмида кафт орқасидаги тош ирғитилиб, қайта илингунча ердаги тўрттала тошни ҳам кафтга олиб улгуриш керак. Акс ҳолда ўйин қайта бошланади. Ўйинни ким тез тугатса, ўша ғолиб ҳисобланади.

Зикрилла ШЕРМАТОВ,
Косон туманидаги 51-ўрта мактаб директори, «Самбо» бўйича спорт усталигига номзод.

Асад ДИЛМУРОД

ФАРЗАНДЛАР

Хаёлий ҳикоя

— Файласуфни хизматига яраша иззат қилдик.

Хаёлим чуваланган эмасми, бу гап мағзини дафъатан чақа олмадим. У ҳолимга ачинган бўлди, бошбармоғи билан орқасига ишора қилди. Ҳаракати қатъиятли эди. Мен эса тўрдаги девордан мамнун боқаётган, кўҳна дунё ва чарх кирдикорлари, нотавонлигини билмаган ёки билса ҳам ўзини гўлликка урган кимсалар устидан зардали кулаётган Файласуфни кўриб тутдек тўкилдим.

— Йўқотаман уни! — дедим бўғилиб.

— Э-э, қайда... энди у бизга керак, — деди Фил бепарво, хитобимни эшитмагандек. — Сиз шунақалар билан алоқани зўр қилиш ўрнига Фаррош билан ош-қатиқсиз. Фаррошда нима бор тўзондан бошқа?

— Тавба, — деди сабрсизланиб.

— Супургиси... аянчли... Бошқа нарса топилмадими?

Фаррошдаги бирдан-бир бисот — камсуқумлик, ким билади, кейинчалик бу нарса унга тузукроқ илтифот кўргазишим учун етарли бўлмай қолгандир, шу боис Файласуфга, Шоир ёки Сарбозга маҳлиё бўлиб қолган кезларимда уни ҳатто менсимай қўярдим. Асли у ҳурматга лойиқ экан, ишонганим Файласуф тоб ташлагани жонимни оғритса, Фаррош ягона қуроли бўлган супургисини қўлдан қўймай қаттиқ тургани мен учун мароқли эди.

— Супурги ҳам бехислат эмас...

— Ҳаддингиздан ошманг, биродар! — Фил бетига нимадир соя солди. — Уларни қўйинг, оёғингиздан тортмоқда, сизни фақат Файласуф қутқариши мумкин.

— Эслатманг ўшани.

— Сиз ўзингиз чўлда адашган нодонсиз, бошқаларни эса қутурган денгизга бошламоқчисиз. Шоир кўзларидаги нафрат сизнингча денгиздан камми? Ҳаммани ғарқ қилмоқчи-я! Йўқ, биз бунга йўл қўймаймиз!

Очиғи, Шоирдан беҳад хавотирда эдим, агар у ҳам Файласуфга ўхшаб иноннъитиёрини бериб қўйган бўлса пешонамни қайси тошга уриб ёраман, деган ўйдан оромимни йўқотгандим. Бекор шубҳага борибман, Фил жиғи-бийрон бўлаётганига қараганда Шоир зуғумга бардош берган, тузоққа илинишни истамаган, яъни амал ва мақтовдан кечган. Қароқларига рангларга қўшиб жойланган фазилатлар шундай кунда ярамаса бошқа вақт нима учун керак!?

— Нафрат денгизига ўзингизни чўктирамиз.

— Мен розиман.

— Аҳ-ҳа, розисиз. Балки... Сарбоз белидаги ханжарга ҳам бўйин тутиб беришга розидирсиз? Қани, гапиринг, нега индамайсиз? Жон ширин-да, а? Қўрқиб кетдингиз. Сарбоз ханжарига бизни рўпара қилмоқчисиз, шундайми? Бизга жон азиз эмасми? Ёки биз... ердан юмалаб чиққан қўзиқоринми?

— Сиз эмас, бошқалар ердан юмалаб чиққан...

— Ҳо-о, пичингми? Шунақага қўйса сизни... Энди етар, шунча мушук-сичқон ўйнаганимиз. Битта саволимга тайсалламай аниқ жавоб қайтаринг. Сарбоз эски одам, башарасига инсу жинс нуқси урган. Сиз у билан оғиз-бурун ўпишиб нимага эришмоқчи бўлгансиз?

— Бу шунчаки кўнгил иши...

— Эрмак қилманг одамни.

— Бир нарсага эришиш... билмадим. Мен кўпроқ феълига қизиқдим, кўрган жанг-жадалига эмас.

— Хўш, унда ханжарга нима ҳожат?

— Сарбоз шу нарсасиз бўлмас.

— Ҳа-я! Ўша нарсаси бўлмаса уни биров назарга илармиди, — бир нуқтага тикилиб қолган Фил сал ўтиб юмшоқ товушда деди: — Боплагансиз. Жодугар ҳам бунақа қилолмасди. Жуда гўзал! Баъзан ушлаб кўргим келади десангиз.

— Ушлаб кўра қолинг, — дедим энтикиб; шу лаҳза давангиз Сарбоз кенг оламга сиғмай, қалин қошларини чимириб бизни жимгина кузатаётгани, аза-базза тортишувдан кўнгли тўлмай эзилаётгани, одатича соқол босган йиғини дағал кафти билан тез-тез ишқаб қўяётганига амин эдим.

— Йўқ, йўқ... жинни бўпманми сарқит нарсага тегиниб!? Лекин, ундаги жозиба... сиздаги худбинликдан нишона! Мўйқалам, мен сизга айтсам, қонга ташна нарсага сажда қилмаслиги керак.

— Сажда бегона мўйқаламга.

Суллоҳ Фил нафақат ўзимни ва шаънимни, мўйқаламимни ҳам қаттол оёқлари остига олишга қасд қилгани аниқ, бундай таҳқирга чидагандан кўра жондан кечган маъқул, шундай хаёлга бордим-да, хурпайганча илгари босдим. Сал юрмай оёқларим чалишди, кимдир чапдастлик билан қўлтиғимдан тутмаса йиқилишим тайин эди. Қаддимни ростлаб, хушимни ўнглаб пайқадимки, хона аввалгидай ним қоронғи эмас, қандайдир кучли нурдан ёришган. Саҳнада сочилиб ётган нарсалар тартибга солинган, ҳалиги рангтасвирларга ўзгача файз энган. Нима гаплигига ақлим етмай турганда эҳтиётли шивирлаш эшитилди: «Соҳиб, индаманг, жаврайверсин!» Шундан сўнг жонимга ора кирган Сарбоз эканини билдим. Чайир панжалар гоҳ бўйним, гоҳ пешонамни силаркан, ўзимга ишончим ортиб, кучимга куч қўшилди.

— Шундай бўла қолсин, лекин, ханжар сири нимада?

— Ким билсин.

— Яна чалғитяпсиз.

— Зарил кептими?

— Сизни ўз ҳақиқатингиз бор...

— Тўғри, лекин унга даҳли йўқ.

— Жондан умидни узмоқчисиз чоғи?

Аллақачон узганман, деб юбораёздим, хайриятки, нақд қичқириққа айланган бу сўзлар кутилмаганда бўғзимга тиқилди, шундан сўнг оғзимга бутунлай сўк солиб олдим. Жаладек ёғилган саволлар жавобсиз қолди, қони қайнаган Фил туйқус сапчиб турди, важоҳат билан теварагимда айланди-да, полни гурсиллатиб тепди. Югургитумгина ичдим. Йиғидан ёқаси ҳўл бўлиб кетган Фаррош эса пешонамга нам латта босди, чаккаларим қонини артиб, ҳиқиллаб қўйди.

Анча енгил тортдим, кўнглим ўсди. Кучли тиззадан бир умрга бошимни олмасам деган кайфиятда эдим. Гўё улғайиб, бутунлай бошқача одам бўлиб қолгандим, фақат... руҳимда бир толиқиш... Ҳали жисмимни тарк этган оғриқ аста-аста руҳимга кўча бошлади. Дилимдаги шодлик ва умид илҳақлик билан алмашинди. Бесабр жовдирай бошлаганимни пайқаган Сарбоз, далда бериш ўрнига, тишларини зирак қилиб ўқрайди. Билдимки, энг охирги чорам — тақдирга кўникиш! Яна бир марта Сарбозга тан бердим. Фақат нечун белида ханжар кўринмаётир?

Сарбоздан гап олиш маҳол, бунақа вақтда Шоир билан Фаррош ҳам сир ёришмайди. Нимадир ичимни тирнади, қандайдир куч даъвати билан илкис хона тўрига қарадим. Суянчиғи баланд ўриндиқда Фил қоядек чўккан, чоғир кўзлари бақрайиб, бесўнақай қўллари икки тарафга шалвираб қолган, бақбақаси аралаш бўғзига ханжар сопигача ботирилган эди. Берироқда мени дўппослаган новча соқчи ғужанак бўлиб, кафтларини қорнига босиб, жонсиз ётар эди.

— Бу не ҳол? — дедим шивирлаб.

Сарбоз елка учирди, кейин мени авайлаб турғизди, қўлтиғимдан олиб ташқарига етаклади. Ҳовлига чиқиб пича юрганимиздан кейин секин ортимга бурилиб қарадим. Изимиздан Шоир билан Фаррош илдам келаётганини кўриб хотиржам бўлдим...

(Боши ўтган сонларда).

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти жамоаси география ва уни ўқитиш услубиёти кафедрасининг ўқитувчиси Зуҳра ШОМУРОТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0713.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6